

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
КУТУБХОНАСИ

УСТОЗ ИЖОДКОР

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
КУТУБХОНАСИ

УСТОЗ ИЖОДКОР

*Мақсуд Шайхзода таваллудининг 100 йиллиги муносабати  
билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти

Тошкент – 2008

**78.342**

**У 76**

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	У.Тешабоева
Муҳаррир	Ҳ.Маматраимова
Масъул муҳаррир	О.Қиличбоев
Матн терувчи	З.Жалилова

Устоз ижодкор: Мақсуд Шайхзода таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан: **Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи У.Тешабоева; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2008.-32 б.**

**КБК 78.342+ 83.3 (5Ў)6**

Улуғ шоир, олим, мутафаккир ва нодир табиатли инсон Мақсуд Шайхзода таваллудининг 100 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма ёзувчи ижодини, меросини чуқур ўрганиш ва уни тарғиб қилишда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган. Қўлланмадан кутубхоначи ходимлар ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.**

## СЎЗ БОШИ

У олим шоир эди.

У шоир олим эди...

Юксак истеъдод сохиби, оташ қалб, ҳимматдарё, нафис ва ўткир дидли, беғубор нажиб инсон тўғрисида сўз кетганда ўйлаймизки ҳар бир одам Максуд Шайхзоданинг ёрқин сиймосини кўз ўнгига келтиради.

Ғоятда камтар, чуқур билимдон, чин дўст, ҳақиқий зиёли бўлмиш Максуд Шайхзода ўзини ўзбек халқининг асл фарзанди, деб билди ва унинг бахт-саодати учун фидойиларча меҳнат қилди. Бир шеърида «кўчат кўчириб келтирилган тупроқ унинг ватанидир» деб ёзди ва шу Ватани берган тузни самарали ижоди билан оқлади. Унинг ижоди коммунистик мафкура ҳукмронлиги авжга минган йилларда кечди. Шунинг учун бошқа кўпгина шўро ижодкорлари каби унинг асарларида ҳам замонасозлик, сиёсатга мослашиш ва унга хизмат қилиш майли анча кучли бўлган. Бироқ, шунга қарамай, унинг энг яхши асарларида инсоннинг маънавий дунёси, қалби, ўйлари, орзу – истаклари ўзига хос тарзда – публицистик кўтаринкилик билан, оригинал поэтик образлар, чуқур фалсафий умумлашмалар орқали очиб берилган. Унинг поэзиясида Шарқ классиклари билан Оврўпа шоирларининг анъаналари уйғунлашиб кетган.

Шайхзоданинг жўшқин шеърияси, шекспирона руҳ билан суғорилган драмалари, теран фикрлар, нозик кузатишларга бой илмий-танқидий асарлар, эҳтиросли публицистикаси, юксак дид билан амалга оширилган таржималари бугун ҳам қимматини йўқотган эмас. Унинг ижодий тажрибаси кўпчилик учун ибрат мактабидир.

2008 йил 25 октябрда Максуд Шайхзода таваллудига 100 йил тўлади.

Республика ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари Максуд Шайхзода, унинг қалб ҳарорати билан етилган шеърий мисра ва дostonлари, сахнамизнинг зеби бўлмиш драмалари, экранимизга шуҳрат бағишлаган киносценарийлари, халқимизнинг дилидаги олий туйғуларни юксак даражада

ифодалаган публицистик мақолалари, олимнинг донишманд нурли шуури-ла йўғрилган тадқиқотларини тарғиб қилишлари лозим.

Ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари адабиётлар тарғиботининг китоб кўргазмаси, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, адабий-бадиий кеча, билимдонлар беллашуви, викторина, мавзули ва мунозара кечалари, оғзаки журнал, давра суҳбати ва бошқа кўплаб тадбирлар туркумидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирларга филологлар, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, журналистлар, санъаткорлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Қўлланма ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ёзувчи таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда мутахассисларга ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

### **Инсон ва замон куйчиси**

Аслида қондош озарбайжон наслидан бўлиб, кейинчалик ўзбек халқининг чинакам севимли шоири, ёзувчиси, драматурги, забардаст олими сифатида донг таратган Мақсуд Шайхзода 1908 йили Озарбайжоннинг Ганжа вилоятига қарашли Оқтош шаҳрида туғилди. Отаси Маъсумбек элу-юртда катта обрўга эга шифокор эди. У санъат ва адабиётни севар, тарих ва фалсафага қизиқарди, Оқтош зиёлилари билан турли масалаларда суҳбатлашарди. Ёш Мақсуд Низомий ва Фирдавсий, Навоий ва Фузулий, Пушкин ва Шекспир каби буюклар номини илк дафъа ана шу гурунгларида эшитди ва бу муҳит унга адабиётга бўлган қизиқишини уйғотди.

Мақсуд Шайхзода Оқтошда ибтидоий мактабни битиргач, 1921 йили Боку дорилмуаллиминига ўқишга киради ва уни тугатгач Доғистоннинг Дарбанд, Бўйноқ шаҳарларида муаллимлик қилган. У 1926 йили Адҳем Файзий ташкилотига аъзо этилган «Миллий фирқа» ташкилотига аъзо бўлиб, мусовотчилар ҳаракатида фаол қатнашгани учун 1928 йили ҳибсга олиниб, Тошкентга сургун қилинган. Умрининг охирига

қадар шу ерда яшаб, ижод қилган. Албатта, шўро ҳукумати Шайхзодани Ўзбекистонда ҳам таъқиблар ва таҳқирлардан бенасиб қолдиргани йўқ. У умрининг поёнида ёзган эди:

Аммо толеъ мени доим эркаламади,  
Баъзан замон йилни йилга ҳеч уламади.  
Сахроларга дуч келдимки, на ирмоқ, на кўл,  
Сургуларга юборилдим, на уфқ, на йўл.

Муҳими шундаки, Шайхзода «толеъ доим эркаламаганига» қарамай, умрининг охирига қадар ўзбек халқининг садоқатли фарзанди сифатида фаолият кўрсатди ва Ўзбекистон унинг иккинчи ватани бўлиб қолди.

Шайхзода Тошкентга келгач, аввал Наримонов номидаги техникумда дарс беради, кейин “Шарқ ҳақиқати”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ёш ленинчи” газеталарида ишлайди. 1929 йили ёш шоирнинг ўзбек тилидаги дастлабки шеъри “Шарқ ҳақиқати” газетаси саҳифаларида босилиб чиқади. Орадан кўп ўтмай, Шайхзоданинг биринчи тўплами “Ўн шеър”, кейинроқ “Ундошларим” (1933), “Учинчи китоб” (1934), “Жумхурият” (1935) каби тўпламлари нашр этилади.

Максуд Шайхзода “халқимизнинг меҳнат қаҳрамонлиги, кураш ва жанг, озодлик ва дўстлик, бахт ва алам, юртнинг гўзал манзаралари ва инсоннинг маънавий жамоли менинг қаламимга ошно, дилимга мазмун бўлиб келди” деб таъкидлаган эди. Худди шу омил унинг ўзига хос услубини – овозини келтириб чиқарди. Воқеликни кенг тарихий кўламда, яъни кечаси, бугуни ва эртаси билан яхлитликда идрок этиш, қаҳрамонлик ва романтикага мафтунлик, истиқболга ошиқиш, шахсий кайфият билан ижтимоий руҳни, фикр билан туйғу-эҳтиросни, жанговар публицистика ва нотиклик билан теран фалсафий мушоҳадани уйғун кўша олишлик, руҳий тушунчани, ҳаёлни, мавҳумликни жисмоний шаклга сола олиш, мисраларни, ўз сўзи билан айтганда, “маънан, фикран ва суратан боғлай” олишлик, шаклда, вазнда, ритмикада, оригиналликка интилиш Максуд Шайхзода услубига хос муҳим белгилардир. Ҳамид Олимжон ибораси билан айтганда, у “фикрлар шоири” эди.

Шоирнинг бу фазилатлари, энг аввало, ҳаётдаги, воқеликдаги ва одамларимизнинг руҳий оламидаги ўзгаришлар, ҳолатларни ифодалашга қодир янги, бетакрор образларида намоён бўлди. Бу Тарих –Йўл – Сафар – Кема –Карвон, Харита (ер курраси ва Ватани), Манзил, Рақам, Суръат ва Вақт образларидир. Булар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, инсоният тарихи яхлитдир ва доим олға қараб ҳаракат қилади, бу инсоният карвонини – кемани тўхтатиб бўлмайди, у инсоният орзуси – бахт-саодат манзили сари ҳаракат қилади. Буни Шайхзоданинг ўз китобларига “Ўн беш йиллик дафтари” ёки “Чорак аср девони” деб сарлавҳа қўйишидан ҳам билиш мумкин. Шоирнинг ўзи “Инсон умри чекланган муҳлатли дафтар”, демак бу дафтарни фойдали, эзгу ишлар – “ёзувлар” билан тўлдириш лозим дейди. “Рақамлар” шеърида эса шундай сатрлар бор: “Мен на мунажжимман ва на ҳисобдон ва лекин кўраман сонлар мағзида осмонча маънолар, юртни ободон”... Унингча, дақиқалар, кунлар, йиллар ва асрларнинг қиммати – жисмоний вақт узунлиги билан эмас, балки мазмуни билан ўлчанади. Шу туфайли у “шу ўлчовсиз оламда куннинг бирор зарраси беиз учиб кетмаслигини” орзу қилади ва дейдики, “сониялар, сиз минутдан олинг ижозат, бир миҳжада яшаб олай бир йилни”. Шоирдаги ўлчов туйғуси яратган мўъжизали, яққол образга разм солинг:

“Ернинг юрак тепишидан бўлсам хабардор!

Бунинг учун қулоқ керак худди Ой қадар!”

ёки туннинг ҳажмини ҳеч ким Шайхзода каби аниқлашга уринмаган:

“Шунча қуюқ энди тунги қоронғу,

Ҳовучлаб қафт ичра сикқилик гўё”.

Шоир инсоннинг руҳий олаmidан тортиб то товуши, қўллари, изларигача яхлит таҳлил этади. “Товушлар бор, демак ҳаёт бор”, дейди. Аммо, оддий, бефойда ҳаётни тан олмайди, “яшамоқ керак курашмоқ учун, курашмоқ керак буюк ғояга эришмоқ учун” (“Товушлар”). Кўзларни эса шоир “руҳлар кўзгуси, уларда намоён қалблар сезгиси”, деб таърифлайди.

“Қўллар» шеърида қўлларда инсоннинг борлигини, унинг ички оламининг муҳрини кўради. Унингча, “ғоят шафқатли,

хаётбахш қўллар” ҳам “аёвсиз, ёвуз, гўр каби совуқ, танбал” қўллар ҳам бор, қисқаси, ҳар бир қўл “юракнинг навкарларидир”, юрак нени буюрса, қўл шуни ижро этади. Инсоннинг кимлиги унинг изларидан ҳам – ҳаётда қайси йўлдан юриши ва не ишлар билан машғул бўлишида кўринади: “Чунки дунё йўлларида ҳар киши ўз шахсий услубида юради”. Шоир шу “Излар” шеърида оддий нарсадан катта умумлашмаларга кўтарилади. Адолатсизлик, ёмон одамлар қолдирган излар – “битмас яралар” ўчмайди, “дунёмиз уммоннинг соҳилидан кўчмайди”.

Мақсуд Шайхзода ижодий балоғатидан далолат берувчи асарлардан бири “Тошкентнома” достонидир. Адабий жамоатчилик ўз вақтида бу достонни шоирнинг адабиётимизнинг йирик ижодий муваффақияти сифатида баҳолади. Чиндан ҳам, “Тошкентнома” Шайхзода достонлари ичида энг баркамол бўлиб, унда шоир шахсиятининг ўзига хос қирралари анча ёрқин намоён бўлган. Достондаги ўзига хослик шундаки, асар яхлит воқеа асосига қурилган эмас. Кўпинча шоир бирор салмоқли фикрни асос қилиб олади-да, унинг турли қирраларини айрим-айрим эпизодларда очиб боради.

Бундай эпизодлар ташқи белгилар орқали ўзаро пухта боғланмагани учун, юзаки қарашда асар қуруқ гаплар тизимидан иборатдек кўринади. Аслида ундай эмас. “Тошкентнома” – лирик фалсафий достон. У фикрлар, туйғулар поэмаси.

Шайхзода кўпқиррали истеъдод соҳиби эди. У шеърлар ва достонлар билан бирга, жуда юксак бадиий қувватга эга бўлган драмалар ҳам яратди. Шайхзода умрининг сўнгида ёзишга киришган, лекин тугатиб улгурмаган “Беруний” драмасини ҳисобга олмаганда ҳам, унинг “Жалолиддин Мангуберди” ва “Мирзо Улуғбек” драмалари аллақачон халқимизнинг бадиий мулкига айланиб қолди.

Шайхзода иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган “Жалолиддин Мангуберди” (1944) трагедиясида ўз юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун мўғул истилочиларига қарши курашган сўнги Хоразм шоҳининг жанговар жасоратини тарихан аниқ ва ҳаққоний тасвирлаган. Ойбек билан Ғафур



Ғулом ўша вақтда асарга юқори баҳо беришиб: “Тарихий жараённинг ҳақиқий мазмунини, унинг ички маъносини” очиб берган, “Композицияси пишиқ, драматик тўқнашувларга бой бир асар. Воқеалари жонли ва шиддатли равишда инкишоф этилади. Интрига кучли, ўткир ва оригинал. Драма фикр ва ҳикматга бой, баланд руҳли, бақувват шеър билан ёзилган”, деган эдилар. 1945 йили Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театрининг сахнасида намоиш қилинди. 1946 йилгача “Жалолиддин Мангуберди” драмасидан айрим парчалар “Армуғон” тўпламида босилган эди. Шундан кейин 43 йил давомида асар тилга олинмади ва дунё юзини кўрмади. Асар сахнадан олингандан кейин кўп утмай Шайхзода қамалди. Бу асарга ўтмиш идеаллаштирилган деган сиёсий айб қўйилди. Мусодара этилган буюмлар ичида драманинг қўлёзмаси ҳам бор эди. Муаллиф оқланиб, қайтиб келганидан кейин муайян ташкилотлар “йўқолди” деган баҳоналар билан қўлёзmani қайтариб бермадилар. Шайхзода уни бир неча йил кидиришга мажбур бўлди ва ниҳоят, театрининг собиқ суфлёрларидан унинг бир нусхасини топишга муваффақ бўлди. Лекин шунда ҳам асарнинг матни эълон қилинмай қолаверди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, муаллиф бу асарининг чоп этилганини кўрмай оламдан кўз юмди. “Жалолиддин Мангуберди”нинг тўла матни биринчи марта Боқуда озарбайжон тилида Шайхзоданинг икки жилдлик сайланмасида босилиб чиқарилди. Фақатгина 1988 йилдагина “Жалолиддин Мангуберди” биринчи марта ўзбек тилида ёзувчининг “Боқий дунё” деган китобида тўла босилиб чиқарилди.

Мақсуд Шайхзоданинг халқимиз тарихига, жумладан, Жалолиддин Мангуберди тақдири ва курашига одилона ёндошганлиги, ҳақиқатни ҳимоя қилганлиги Президентимиз Ислам Каримов имзоси билан эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 сентябрдаги “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарори ҳам яна бир бор тасдиқлайди. Шайхзоданинг ёзувчилик шуури ва ижодкорлик зеҳнининг ўткирлиги яна бир бор исботланди.

Мақсуд Шайхзоданинг ўзбек адабиётига қўшган яна бир улкан ҳиссаси “Мирзо Улуғбек” трагедиясидир. Трагедия 1964 йили ёзилди, ўша йили бу асар Ҳамза театри сахнасида қўйилди, кейинчалик унинг асосида кинофильм яратилди.

“Мирзо Улуғбек” трагедиясини Шайхзоданинг ўзига хос ижодий жасорати деб аташ мумкин. Гап шундаки, 60-йилларнинг бошида ҳали тарихий мавзуларга қизиқиш расмий ташкилотлар томонидан унча рағбатлантирилмас эди. Ўша кезлари илмий доираларда Улуғбекнинг жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган улуғ олим экани, албатта, маълум эди, лекин ўзбек тилида бир-иккита йирикроқ шеърый асарни мустасно этганда биронта йирикроқ асар яратилмаганди. Кенг халқ оммаси Улуғбекнинг номини эшитгани билан унинг ўзи кимлигини, тарихда нима ишлар қилганини, қайси хизматлари учун инсоният томонидан тақдирланишини билмас эди. Шайхзода бу муҳим мавзуга адабиётда моҳият эътибори билан биринчи бўлиб муружаат этди ва ўзининг тарихий қаҳрамонига муносиб бақувват асар ярата олди. Шу билан Шайхзода олим ва фозил бобокалонларимиздан миннатдорлик бурчини ўтади. Лекин асар фақат шунинг учун ёзилган десак тўғри бўлмайди. Шайхзода ўз олдига кенгроқ ва қийинроқ вазифа қўйган. Улуғбек деган ёрқин юлдузни бадий қашф қилиш иштиёқи, унинг ҳамма қирралари ва жилваларини, нурлари ва доғларини намоёйиш этиш орзуси шоир қаламига раҳнамо бўлган. У асарга асос қилиб Улуғбекнинг сўнгги икки йиллик ҳаёти ва фаолиятини танлаб олади.

Шайхзода шоҳ бўла туриб, ўз даврида илм-маърифатни ривожлантириш билан боғлиқ адолатли ниятларини амалга оширолмаган, жаҳолат ва манфаатпарастлик қурбони бўлган Улуғбек тақдирини бир сабоқ тарзида ёритади. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасидаги муросасиз зиддият, зиндонлар ва адолат учун қурашларнинг бостирилиши Сталин даврига ҳам ишора эди. Бобо Кайфий орқали ёзувчи: “Ҳақ ноҳақдир, ноҳақ ҳақдир, ҳақиқат йўқдир”, “Яхши-ёмон, Ёмон-яхши. Тавофут қайда?” дейдики, бу сўзлар, айни чоқда, совет тузумига ҳам тааллуқлидир. Шайхзода асарда Вақт образидан Улуғбек ва

Абдуллатиф ички дунёсини очишда мўл-кўл фойдаланади. Тахтни эгаллаш хирсида ёнган Абдуллатиф отасида “ҳали қариш йўқ”лигини кўриб, “Бу бахтга қачон эришаман?” дейди ва шу туфайли ифвогарлар томонига ўтади. Ҳатто, у Ферузани бевафоликда айблади. Улуғбек бунга ишонади ва “Балки, менинг ҳаётимнинг кун ўрта чоғи аллақачон ўтганлиги асл сабабдир” дейди. Шекспирона руҳда ёзилган “Мирзо Улуғбек” трагедияси ўзбек драматургиясида бир ибратли воқеа ва мактабдир.

Максуд Шайхзода юксак илм эгаси эди. Айниқса, у ўзбек мумтоз адабиётини чуқур билар эди. 1941 йилда Тошкентда нашр этилган “Тениал шоир” тўплами адабиётшунос олим Шайхзоданинг Навоий ижодига оид илмий мақолаларидан ташкил топган. Навоий шеърятининг бу чуқур илмий тадқиқи навоийшуносликда ҳамиша алоҳида ўрин эгаллаб қолади. Шайхзода Навоий маҳоратини, унинг санъаткорлигини теран ўрганишни бошлаб берган ўткир тадқиқотчи эди. Филология фанлари номзоди, доцент Максуд Шайхзода Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да, Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент Давлат педагогика университети)да узоқ йиллар давомида ўзбек адабиёти тарихидан ўқиган маърузалари, махсус курслари ўзбек адабиёти тарихи бўйича энг қимматли дарслар эди. Бутун-бутун адабиётчилар авлоди бу дарслардан таълим олди. Маърузани шу қадар қизиқарли, жозибали олиб борар эдики, унга нафақат шу гуруҳ талабалари, айти чокда ўзбек адабиёти ўқитувчилари, адабиёт шинавандалари ҳам киришарди. Шу боис катта аудитория тингловчилари билан лиқ тўлиб кетарди. Бироз озарбайжонча талаффуз билан ўзбек тилида сўзланган нутқ ниҳоятда зўр диққат билан тингланарди. Аудиторияда пашша учса билинарди. Ҳаётининг охириги йилларида Шайхзода Навоий ижоди бўйича “Ғазал мулкининг султони” монографиясидек йирик илмий асар ёзди ва докторлик диссертациясини ёқламоқчи эди. Афсуски бевақт ўлим бу катта мақсадни амалга оширишга йўл қўймади. Ҳазрат Алишер Навоий лирикасини

мазкур асарида теран таҳлил қилган Шайхзода хайратомуз чуқур билимдонлигини исбот қилган.

Максуд Шайхзоданинг бутун ижоди чуқур сиёсий публицистик руҳ билан тўла. Унинг шеърӣ, драматик асарлари қайси мавзуга бағишланган бўлмасин, замона билан ҳамоҳангдир. Шунинг учун ҳам шу типдаги ижодкорнинг бевосита публицистика жанрида хизмат қилиши тасодифий ҳол эмас. Унинг зўр бадий жанрга эга бўлган публицистик мақолалари ва нутқлари бу истеъдодли адиб ижодининг мазмундорлиги ва ранг-баранглигидан ёрқин нишондир. Шайхзода ўзбек публицистикасининг тараққиётига Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Воҳид Зоҳидов, Зулфия ва бошқа ёзувчилар билан бир қаторда сезиларли ҳисса қўшди, ўзбек адабиётидаги бу янги жанрни камолот сари етакловчилардан бири бўлди. Унинг публицистик мақолаларида гарчи жуда изчил ва ниҳоятда силлиқ композиция сезилмаса-да, фикр теранлиги, бадий тафаккурнинг сочқин, аммо тўлқинли ҳаяжон билан тўла ифодаси аниқ сезилиб туради. Бу мақолалар унинг шеърлари каби туйғулар туғенидан келиб чиқади. Худди ана шу хусусият шоирнинг бадий таржима соҳасидаги фаолиятида ҳам очик сезилади.

Истеъдодли шоир моҳир таржимон ҳам эди. У жаҳон адабиёти мумтоз шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилишда катта хизмат қилди. Жумладан, Шекспирнинг “Ҳамлет” ва “Ромео ва Жульетта” асарлари ўзбек драма театрлари сахнасида Шайхзода таржимасида сахналаштирилди. Пушкин, Лермонтов, Байрон шеърларини ўзбек ўқувчисига илк бор тақдим этган шоирлар авлоди ичида Шайхзода ҳам бор. Шоир маҳоратининг ўсишига, унинг жаҳон адабиёти классикларининг асарларини ғоят севиб ўргангани, уларнинг бой бадий тажрибасини усталик билан ўзлаштиргани ҳам сабаб бўлди. У Ғарбий Европа ва рус адабиётини мукаммал билгани ҳолда ўзининг Ватан адабиётини – Шарқ шеърӣяти меросини ҳам тўла ўрганган эди. Шу туфайли у тарих, адабиёт, фалсафа илмларининг пухта билимдони, атоқли олим сифатида ҳам машҳур бўлди. Унинг Фирдавсий, Низомий, Руставели, Шайх

Саъдий, Ҳофиз Бедил, Фузулий, Машраб, Муқимий, Лоҳутий, Махтумқули ва бошқа мумтоз шоирлар ижоди устида чуқур тадқиқотлар олиб боргани маълум.

Мақсуд Шайхзодани 50-йиллар бошида мутлақо асоссиз равишда қамоққа оладилар ва 25 йилга сургун қиладилар. Сталин вафот этгач, тухмат билан ноҳақ қамалганларнинг иши қайта кўрилди. Шу тариқа 1955 йили кўпгина фидойи зиёлиларимиз қатори Шайхзода ҳам оқланиб чиқди. Лекин 5 йиллик қамоқхона азоблари натижасида шоирнинг соғлиги жуда ёмонлашиб қолган эди. Шунга қарамай, умрининг охиригача 10 йил давомида баланд уйнинг энг юқори қаватида яшашга мажбур бўлди. Ана шундай оғир шароит ва хасталикда ҳам ҳаётдан сира нолимай умрининг охиригача ижод қилишдан тўхтамади.

Шайхзода умри давомида маданиятимиз, шу жумладан, она тили ва адабиётимиз равнақи, унинг нуфузини кўтариш йўлида садоқат билан хизмат қилди. 1950 йилларда *зиё*, *зиёли*, *савоб*, *мавзу*, *ғоя*, *мафкура* каби қадим замонлардан ўзбек тилига сингиб, ўзлашиб кетган асли арабча сўзлар қаттиқ таъқибга олинган эди. Шу сингари қувғинга учраган сўзларни ўз нутқида, мақоласида ишлатган зиёлилар, олимлар (масалан, фидойи ўзбек тилшуноси Олим Усмон) ашаддий миллатчи, интернационализм душмани тариқасида қораланиб, қаттиқ жазога тортилар эди. Ана шундай қалтис, мушкул вазиятда ўша туркум сўзларни ақллик ва мулойимлик билан биринчи ҳимоя қилиб чиққан, уларнинг кейинроқ кенг истеъмолга киришини таъминлаб берган улуғ зот ҳам бизнинг Мақсуд Шайхзода бўлади! У бу гапни 1957 йилда бўлиб ўтган Республика зиёлиларининг қурултойида айтган эди: “Азиз ўртоқлар, зиёли сўзининг шаклу шамойили, талаффузи ва маъносига бир теранроқ эътибор бериб кўринг-а! Қандай чиройли, қандай маъноли сўз! Нақадар фусункорлик ва уйғунлик мужассам унда. Яхши биласиз, зиё дегани нур, ёруғлик, ойдинлик демакдир. Ҳақиқатан ҳам зиёлиларимиз элга билим, маърифат, маданият улашиш, таълим-тарбия беришдек савоб ишларга даъват этилган...” Бу сўз билан гўё сеҳрланган мажлис залида ўтирганлар гулдурос қарсақлар

чалиб юборишган эди. У қисқа ҳаёт кечирди – 60 ёшга ҳам тўлмай, 1967 йил 19 феврал куни узоқ вақт давом этган хасталикдан сўнг оламдан кўз юмди. Шайхзода ижоди энг гуллаган пайтда, ширага тўлган вақтда оламдан кетди.

Эй, одамзод! Ибрат олгин юлдузлардан сен,  
Хайрихоҳлик ва баландлик хислатларида.  
Шалтоқларда ағанамагин, кўтарил, юксал,  
Сўқир бахтдан кўрар кўзли бахтсизлик афзал...

Бошидан қанчадан-қанча мусибатли кунлар ўтган бўлмасин, у ҳеч зорланмаган. Унинг иймон-эътиқоди, дунёқараши, юкоридаги мисраларда теран баён қилинган. У ҳеч қачон аламзадалик билан яшамади. Аксинча, унга хиёнат қилган, уни азоб укубатларга, жиддий хасталикларга дучор қилганлар ҳақида ҳеч қаерда, ҳеч нарса демаган. Шайхзода ўзининг инсоний фазилатларига содиқ қолиб, доимо хайрихоҳлик ва баландлик хислатлари билан юксалиб яшади. Чунки унинг чинакам, содиқ дўстлари ҳам оз эмас эди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Миртемир, Шукур Бурхон... Қанчадан-қанча уни эъзозлаган шогирдлари, унинг файласуфона бадиий ижодидан, одамохунлигидан завқ-шавқ олган минглаб ўқувчилар ва томошабинлар... Мақсуд Шайхзоданинг бутун ҳаёти, шубҳасиз, ибратомуз эди. Унинг асарларини шу кунларда қайта бошидан ўқиган кишилар, ўзлари учун олам-олам хур фикрларни, ҳақиқий инсоний хислатларни кашф қилишлари мумкин.

### **Эзгулик манзилларида**

Бир-биридан шубҳаланиш ва бир-бири устидан чақувчилар авж олган мустабид тузум шароитида ижодкорлар ўртасида ҳақиқий дўстлик ришталари бўлмаган, деган гап бор. Бу гапда қанчалик ҳақиқат зарралари бўлмасин, шундай ижодий дўстлик намуналари ҳам борки, улар шўро даври адабиётимиз тарихини том маънода безаб туради. Икки улуғ инсон ва улкан истеъдод соҳиблари Ойбек билан Шайхзоданинг ижодий дўстлиги фикримизнинг порлоқ бир далилидир.

1955 йил йигирма беш йилга озодликдан маҳрум этилган Мақсуд Шайхзода мазкур тузумнинг ёвуз даҳоси Сталиннинг

Ўлими туфайли абадий музликлар ўлкасидан барвақт қайтган. Бу вақтда собиқ шўро мамлакатида янги шабадалар секин-аста эса бошлаган бўлса-да, ҳали ҳам кўрқув ва ҳадик булути тарқмаган эди. Шунинг учун ҳам ўзбек ёзувчиларининг озодликка эришган ҳамкасбларини муборакбод этишлари у қадар қизгин ва самимий бўлмаган. Аксар қалам аҳли Шайхзоданинг озод бўлгани хабарини эшитмаганга олган. Унинг тирик қайтганидан норизо ёзувчилар ҳам топилиб, улар пайтавасига қурт тушган. Ўша куниёқ Шайхзодани зиёрат қилган ҳақиқий дўстлари орасида ижодкорлардан фақат Ойбек бўлган. Адибнинг рафикаси Зарифахонимнинг айтишига кўра, дўстининг ўлим лагерларидан омон қайтганини эшитган Ойбек ўша куниёқ 9 январь кўчасидаги уйига хотини билан бориб, Шайхзода ва унинг оиласини чин қалбдан қутлаган. Ва озодликдаги дастлабки кунларда асқотади, деб бир даста шалдиروق қоғозни унинг кассасига солиб қўйган.

Орадан уч йил ўтгач, Шайхзода фожиали кунларни кечирганига қарамай, Тошкентни кўкларга кўтарувчи дoston ёзиб, унда икки қаламкаш дўсти тўғрисида бундай ҳароратли сўзларни айтган:

Бу ерда туғилган Ғафур ва Ойбек,  
Умримнинг бошланғич мавсумларида.  
Мени ардоқлашди кучиб оғадек,  
Инилик кўрсатдим таъзимларида...  
Бири – шеъримизнинг ўтли юраги,  
Бири – наср уйининг баланд тираги.  
Очдилар уй билан қалб эшикларин,  
Аямай ўгит ва мезбонликларин.  
Йигитча эдим мен ҳаваскор, содда  
Бўлдим оқибатда шоир Шайхзода!

Шайхзода ижодининг юксак савияси, илмий мулоҳазаларининг баркамоллиги, шу билан бирга суҳбатининг ширинлиги ва кўнглининг очиқлиги китобхонларда катта муҳаббат туғдиради. Унинг устоз Ғафур Ғулом билан қадрдонлиги ҳам бежиз эмасди. Маълумки, Ғафур ака халқ ҳаётини, тарихини, катта Шарқнинг мураккаб адабий аъъаналарини яхши билган хуштабиат, суҳбати равон, фикри

теран, табиати равшан киши эди. Бир зумда чукур ижодий мулоҳазалардан ҳазил-мутойибага кўча биладиган, энг мураккаб масалаларни далиллар билан ечиб берадиган, керак бўлганда кўплаб ривоят, латифа, воқеаларни тизиб ташлайдиган инсон эди. Ҳикоя қилиш санъати эса тенгсиз эди. Шайхзодага эса айти шу фазилатлар ёқарди. Озарбайжонда туғилган, мактаб таълимини рус ва озарбайжон тилларида олган Шайхзода учун Ғафур Ғуломдек дўст битмас-туганмас хазина эди. Ғафур Ғулом учун ҳам Шайхзодадек ўта зийрак, билимдон, ҳозиржавоб, ёрқин истеъдодли, суҳбати серзавқ шоир билан дўст бўлиш айти муддао эди. Бу маънавий яқинлик уларни бир умрлик ижодий ҳамкорликка бошлади. Шайхзода Ғафур Ғуломнинг халқчиллиги, тилга ва ибораларга бойлигини қанча юксак баҳолаسا, Ғафур Ғулом ҳам Шайхзоданинг фалсафий мушоҳадаларини, билими ва топагонлигини шунча эътироф этарди.

Баъзи бир одамлар Шайхзода билан Ғафур Ғулом ўртасида кўнгилсизликлар ўтибди деган миш-мишларни тарқатишгани маълум. Аммо, орадан кўп ўтмай Шайхзоданинг Ғафур Ғулом вафот этгандан кейин ниҳоятда қайғули ва самимият билан унга бағишлаб ёзилган шеъри матбуотда эълон қилинди. Шайхзода “мишмишлар” ҳақида эса:

- Ғафур Ғулом билан орамизда хунук гаплар ўтгани ҳақ, булар мишмишлар эмас! Ҳаётда шундай одамлар борки, бировга ёмонлик қилиб завқ олади, ёмонлик хумор қилади уларни. Аммо Ғафурни бундайлар қаторига қўшиб бўлмайди. Чунки унда гоҳ худ, гоҳ бехудлик бўлиб турарди. Баъзан ихтиёри ҳам ўзида бўлмасди. У узрни ҳам, кўнгил овлашни ҳам биларди,-деган мулоҳазани билдирган эди.

Максуд Шайхзоданинг “Ғафурга хат” шеърида “доим ловуллаб турувчи дард”ни, Ғафур Ғуломнинг улуғлигини қуйидаги мисраларда шундай ифодалаган:

Қирқ шоирга етарлик сўз борди сенда,  
Ҳофизангда юз минг байт,  
Ўн минг латифа, минг саргузашт  
Юз қисса, сонсиз саҳифа.



Ғафур Ғулом қаламига мансуб ва Шайхзода билан абадий дўстлигини ифода этувчи қуйидаги тўртликни келтирамиз:

Азиз биродарим Мирзо Мақсудга.

Бизнинг дўстлигимиз боқий қолажак  
Жомий, Навоийнинг мисоли бўлиб,  
Иккимиз ёзолган ўн-ўн беш китоб,  
Асрдош умримиз тимсоли бўлиб.

Мақсуд Шайхзоданинг ўзбек тилидаги биринчи шеъри чоп этилиши ва бу унутилмас воқеа тўғрисида унинг ён дафтарда қуйидаги сўзлар ёзилган:

“Бугун ўзбек тилида илк бор “Трактор” шеърини битдим. Уни қисиниб-қимтиниб Ойбекка кўрсатдим. Ойбек шеърни такрор-такрор ўқиб чиққач, айрим калималар тагига чизиб, жуда камтарлик ва мулойимлик билан менга оғир ботмасин, деб “Ана шу сўзларни бошқачароқ иборалар билан алмаштирилса, шеърнинг маъноси яна ҳам чуқурлашган бўлурди”, деган маслаҳатни берди. Бу мулоҳазалар ва кейинги ана шундай фикр олишувлар мен учун яхши мактаб бўлди”.

Ойбекнинг ғоят камтар ва самимий инсон эканлигини кўрган Шайхзода кейинги бир неча шеърини ҳам унинг назаридан ўтказган ва эълон қилган бўлса керакки, у бир мақоласида яна бундай сўзларни қайд этишни лозим кўрган: “Адабий ижоднинг машаққатли ва серташвиш интиҳосини Ойбек ҳамнафаслигида бошладим, десам муболаға бўлмас”.

Бу шайхона нафис бир услубда айтилган сўзлар тагида бир олам маъно бор. Агар дунёнинг бир-биридан олис икки шаҳрида туғилган бу шоирларнинг тили-тилига, дили-дилига мос келмагани ҳамда улар қалбида бир хил эзгу туйғу ва фазилатлар чарх урмаганида, уларнинг айниқса шўролар даврида бир-бирларига нисбатан ҳурмат ва меҳр-муҳаббат ёғдуларини сочиши осон эмас эди. Ҳар иккиси ҳам ҳотамтойликда ном чиқарган, меҳр ва мурувватга зор кишилар ҳаётини ой ва кун бўлиб ёритган бу сиймолар бутун умрлари давомида қалб қалами билан халқ ва адабиёт хизматида бўлдилар.

Ойбек 1937 йилда “Навоий” достонини яратди, “Машраб” деган гўзал бир шеърини ижод қилди. У тарихий мавзудаги бу изланишларини давом эттириш ниятида темурийлар даврини ўрганишга жиддий эътибор берди. Шайхзода, Миркарим Осим ва бошқа дўстлари томонидан давом эттирилди. Шайхзоданинг 1939 йили ёзган “Ўртоқ Навоий” балладаси шу давр ўзбек шеърлятида воқеа бўлди. Ана шу тарзда дўстлар қўлни-қўлга бериб, ижод этдилар

Ойбек 1937-1938 йиллари “халқ душманлари”нинг “дум”и сифатида ишдан, Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалган вақтида “Қутлуғ қон” романини ёзди. Асар катта қийинчилик билан нашр этилгач, китобхонлар томонидан хушнудлик билан қарши олинди. Бундан рағбатланган адиб Алишер Навоий ҳақида роман ёзишга киришди ва унинг «Навоий» романи юзага келди.

Адабий ҳаёт йилномасидан шу нарса маълумки, “Қутлуғ қон” романи нашр этилгач, ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган муҳокамада талайгина ёзувчи ва танқидчилар иштирок этганлари ҳолда фақат Шайхзодагина асар ҳақида бирдан-бир одилона фикрлар айтган ва уни юксак баҳолаган эди. Ойбек ёлғиз шунинг учун эмас, балки Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини меҳр билан ўрганганлиги ва “гениал шоир” деган зарифона рисола муаллифи бўлганлиги учун ҳам уни роман қўлёзмаси билан таништириш ва ундан маслаҳат олишни лозим, деб топди.

“1943 йилнинг қиш фасли. Кунларнинг бирида,-деб ёзган эди Шайхзода,-Ойбек мени йўқлатибди. Кўришдик. Эртасига уйига таклиф қилди. Бордим. Салом-алиқдан сўнг Ойбек ўз хонасига кириб кетди. Андақ фурсат ўтгач, бир папка қўлёзма кўтариб чиқди. Папкани стол устига қўйгач, менга сирли бир нигоҳ ташлади-да, папкани очди. Менга юзланиб:

-Мақсуджон мана, ҳазрат Алишер ҳақида битилаётган роман ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Агар рағбатингиз бўлса, романнинг бошланғич қисмини бирга мутолаа қилсак,-деди.

Шубҳасизки, мен бажонидил розилик билдирдим. Бошланғич бобларнинг мутолаасидан сўнг баҳсимиз ярим тунга

қадар давом этди. Бу борада “ўнлаб чойнак чой ичилиб, бир неча қути “Казбек” оламдан ўтди”.

Алишер Навоий шахсияти талқинига доир анчагина мулоҳазалар Ойбекка маъқул тушди. Ана шу суҳбат асносида, роман нашр этилгач, менда роман ҳақида батафсил мулоҳаза билан чиқиш нияти туғилди. Ва ниҳоят, “Тирик Алишер” мақолам “Қизил Ўзбекистон”да эълон қилинди.

Ушбу роман ёзилган вақтда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича билимдон тарихчи ёзувчилар санокли бўлса-да, ҳарқалай бор эди. Лекин Ойбек уларнинг бирортасидан эмас, ёлғиз Шайхзодадан маслаҳат олганки, буни бежиз деб бўлмайди.

Орадан икки йил ўтгач, Шайхзода ҳам тарихий мавзудаги “Жалолиддин Мангуберди” асари ёзиб уни Ойбек эътиборидан ўтказди. 1946 йил асар Ҳамза номидаги театр саҳнасида катта муваффақият билан намоиш этилди. Ойбек “Қизил Ўзбекистон” газетасида катта тақриз билан чиқиб, унда жумладан, бундай самимий фикрларни билдирди: “Кўпдан буён узун умрли, фикрий ва бадиий салмоқли саҳна асарларини орзу қилар эдик. Кўзларимиз қаршисида узоқ мозий жонланди. Бутун ўлкани даҳшатли ва машъум зилзила каби титратган ваҳшийлар истилоси ҳамда ватан ўғилларининг, хусусан асарнинг бош қаҳрамони Жалолиддиннинг фидокорона кураши ёрқин, маънодор, драматизм билан тўла ҳаяжонли картиналарда гавдаланади. Шоир Шайхзода ўз драмасида қаҳрамонлик таронасини куйлайди... Шоир Шайхзодани Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг ижодий коллективини бу гўзал асар билан қутлаймиз».

Ойбекнинг бу самимий сўзлари Шайхзоданинг “Навоий” романи ҳақидаги мақоласига жавобан айтилган эмас. Улар ўртасидаги дўстликни хушомад устунлари устига қурилган кўприк, деб бўлмайди. Аммо улар айна пайтда бир-бирларига қанчалик руҳан яқин бўлмасинлар, улар ўртасида тафовут ҳам бўлган. Кенжа дўстидан фарқли ўлароқ Ойбек ўзининг ҳар бир соати ва ҳар бир дақиқасидан ижод йўлида фойдаланишга уринган. Буни яхши сезган Шайхзода адабий давраларнинг бирида бундай деган эди: “Шубҳасизки, Ойбек ўзбек адабиётида

ижодий иш интизомини ўзига темир қоида қилиб олган ва шуниси билан ёшларга яққол ўрнак бўла оладиган адиб. Мунтазам меҳнати билан бир қаторда жуда кенг маърифат ва теран билимга эга бўлиши, ҳаётни, тарихни, инсонларни чуқур ўрганиши Ойбекнинг кенг қулоқ отиб ривожланган ижод унумларини яратишга имконият берди, деб ўйлайман. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Ойбек оламшумул адиб, насримизнинг бузруквори, улкан мутафаккир, камтарлик ва олижанобликда эса мисли йўқ вале шахс, десам, муболаға бўлмас”.

Шўро даврининг зулмларидан юраги дарз кетган Ойбек пайғамбар ёшида ёруғ дунё билан хайрлашди. Шайхзоданинг ўзи эса ҳатто олтмиш ёшини ҳам қаршилай олмади. 1966 йил февралда Ойбек эзгулик манзилларида бирга яшаб, бирга ижод қилган дўстини кўзларидан отилиб чиққан қайноқ ёшлари билан сўнги сафарга кузатди.

У Шайхзодани ижодкор сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам ғоятда севар, ҳурмат қиларди. Турли ижодий сафарлар ё халқ нойибларининг анжуманларига бориш учун отланганида, Ёзувчилар уюшмасига вақтинча раис қилиб, албатта, Шайхзодани қолдирар эди. Шунинг учун ҳам 50-йиллар аввалида янги қатағон-қирғин тўлқини бошланганида, аламзада қаламкашлар Ойбекдан олдин Шайхзоданинг тагига сув қуймоқчи бўлдилар. Агар 1953 йил қишидан Сталин омон чиққанида, ўзбек адабиёти Шайхзодадан ҳам, хаста Ойбекдан ҳам жудо бўлган бўларди.

Л.Н.Толстойнинг айтишича, истеъдод ишга, меҳнатга ва инсонга муҳаббат қўйишдан иборат. Агар истеъдоднинг ана шу таърифини рост деб топсак, Ойбек ва Шайхзодадек истеъдод соҳиблари XX аср ўзбек адабиётида кам топилади. Бу ҳар иккала сиймо мустабид тузум томонидан бўғилган бўлишларига қарамай, замондошлари қалбига яшаш ва ишлаш учун куч зоҳир этишга интилдилар ва машъала ўлароқ эзгулик манзилларини ёритиб турдилар.

## «Шоир Мақсуд Шайхзода» мавзусида китобхонлар иштирокида давра суҳбати ўтказиш сценарийси

Кутубхонада тадбирни ўтказишдан аввал эълон ва таклифнома ёзилади. Таклиф этилган меҳмонларга таклифномалар юборилади. Давра суҳбати учун жой танланади ва безатилади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан обзор ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Эълон ва таклифноманинг намунавий шаклини келтирамиз.

Эълон!

Ҳурматли китобхон!

2008 йил \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ да кутубхонамизда Мақсуд Шайхзода таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган «Шоир Мақсуд Шайхзода» деб номланган давра суҳбатига таклиф этамиз.

Таклифнома

Ҳурматли \_\_\_\_\_,

Сизни 2008 йил \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ да кутубхонамизда ўтказиладиган «Шоир Мақсуд Шайхзода» деб номланган давра суҳбатига таклиф этамиз.

**Бошловчи:** Ассалому алайкум! Ҳурматли меҳмонлар ва шеърят шайдолари. Бугун биз сизлар билан XX аср ўзбек адабиётида ўзининг серқирра ижоди билан танилган, бутун ижодий фаолияти ва теран илми билан миллий кадриятларимизни шарафлаган, адабиётимиз хазинасига жуда катта хисса қўшган озарбайжон ўғлони – шоир, ёзувчи, драматург, олим Мақсуд Шайхзода шеърятига бағишланган «Шоир Мақсуд Шайхзода» номли давра суҳбатига йиғилдик. Бу йил адиб таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланади. Шу сабабли Мақсуд Шайхзода шеърятини шайдолари билан айнан унинг шеърлари хақида суҳбатлашишни ўз олдимизга мақсад

қилиб қўйдик. Бугунги давра суҳбатимиз меҳмонлари билан сизларни таништираман. Ўзбекистон халқ ёзувчиси \_\_\_\_\_, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, адиб \_\_\_\_\_, филология фанлари номзоди, олим \_\_\_\_\_

Суҳбатимиз давомида саволларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз бўлса билдиришларингиз мумкин.

Мақсуд Шайхзода серкирра ижод соҳиби эди. У адабиёт сиёсатга хизматкор қилинган, шеърият мафкураининг югурдагига айлантирилган шўро замонида яшаб ижод этган бўлса-да, катта иқтидори боис ўзига хос бадиий қиёфасини сақлаб билган адиблардан саналади. Сўзни Ўзбекистон халқ ёзувчиси \_\_\_\_\_га берсам ва суҳбатни давом эттирсак. Марҳамат!

Ассалому алайкум, азиз шеърият мухлислари. Юқорида айтиб ўтилганидек, Мақсуд Шайхзода серкирра ижодкор. Лекин у, биринчи навбатда, шоир сифатида машҳурдир. Унинг шеърияти фалсафий умумлашмалар, оригинал ташбеҳлар, жонли образлар, қутилмаган метафораларга бойлиги билан ажралиб туради. Аксар шеърларида шоирнинг файласуфона нуқтаи назари, муайян ҳаётий ҳодисаларни таққослаш натижасида янги ва қутилмаган чуқур хулосаларга келиш хусусияти кўзга ташланади.

“Бешикда тебраниб ётган ўғлоним,  
Бир куни дунёни тебратар балким...”

Шайхзода умрининг мазмуни ҳақида жуда кўп ўйлайдиган, ҳаётнинг ҳар бир кунига жиддий маъно юклашга интилган ва бунга кўп жиҳатдан эришган ижодкор эди. У ҳаётни севади. Лекин бу севги фақат паталогик тушунчагина бўлиб қолмай, аввало, ижтимоий-ахлоқий масъулиятдир. Айнан шу маънода “Мен яшамоқ истайман”, “Уч рақамли бир сонда”, “Яшамоқ керак, биродар, яшамоқ” каби кўнгилларни ёриштирадиган, тафаккурни ўстирадиган оригинал образлар яратди.

Умрлар бўладики, Тиригида ўликдир.  
Ўлимлар бўладики, Ўлган одам тирикдир.

Ҳикматга айланиб кетган бу мисралар мағзининг тўқлиги билан ҳам, бадиий либоснинг ярашиқлиги билан ҳам ўзига хосдир.

Шайхзода шеъриятга кўнгил эрмаги, эхтиросли қалб товланишларининг намоён бўлиши тарзида қарамайди. У шеъриятни ўта зарур ижтимоий юмуш деб билади. Шу боис шоирни даврининг виждони ҳисоблайди.

Ҳамма ухлар, фақат у бедор,  
Эхтиросдан ловулар бағри.  
Ҳозир унинг вужуди-дунё,  
Қалби бўлса ҳиссиёт баҳри.  
Ёниқ нигоҳ, сўлғин юз билан,  
Қофиялай олмай баҳри хун.  
Шундай... ўзин-ўзи кемириб,  
Қисқартириб азиз умрини,  
Гоҳ шодлик, гоҳ ғамга берилиб,  
Адо этар виждон амрини!

**Адиб** \_\_\_\_\_. Дарҳақиқат, Шайхзода шеърларида баъзан фикр туйғудан босимлик қилади. Шоирнинг аксар шеърлари осон ўқиладиган, тез ёдлаб олинадиган эмас. Ўқувчи бу шеърларни муайян мантикий зўриқишсиз, енгилгина ўзлаштириб ололмайди. Шоир шеърхонни ўйлашга, шеърдаги образлар оламига киришга ундайди. Унинг “Йилларнинг саломин йилларга элтиб” шеъридаги фалсафий фикрлар кўламининг англаб етилиши ўқувчи учун улкан фикр юритаётган файласуфнинг салмоқли ва вазмин ўйлари ғоят ўзига хос ва бадиий оҳор билан берилганки, шеърхон ҳам мутолаа жараёнида унга фикрдош бўлиб, лирик қаҳрамон билан бирга ўй сураётганлигини билмай қолади.

Йиллар ўтиб кетар биздан сўрамай,  
Якшанба, душанба, сешанба каби!  
Қундузлар тунларнинг сочин тарамай  
Ўполмас тонгларнинг пушти ранг лабин.  
Ҳа, йиллар ўтади, замонлар кетади,  
Сен ва мен қоламиз, азиз биродар  
Юрт қолар, эл-улус қолар абадий  
Ва биз қувонч ташиб почтальон қадар  
Йилларнинг саломин йилларга элтиб,  
Борамиз йўллардан йўлларга ўтиб.

Вақтнинг тинимсиз ҳаракати табиий ҳолат. Унга ҳеч қандай куч монелик қилолмайди. Лекин вақт қандай ўтади? Бутун

жамият ва муайян инсон ҳаётида қандай из қолдиради? Шеърнинг лирик қаҳрамонини шулар безовта қилади. Шайхзода шеърларидаги “Кундузлар тунларнинг сочин тарамай, Ўполмас тонгларнинг пушти ранг лабин” қабилидаги жуда гўзал образли топилма ўқувчиларда фикр уйғотибгина қолмай, ҳиссиётлар силсиласини ҳам ҳосил қилади. Уни руҳий мувозанатдан чиқаради. Лоқайдликдан қутқаради. Зеро, бу хилдаги бадиий кашфиётга бепарво қолиш мумкин эмас. Шеърхон ўйга толади: шоир нима демоқчи экан? Вақт оқимининг мунтазамлигини таъкидловчи, айни вақтда одам умрининг ҳам ўткинчи, ҳам умрзоқ нарса эканлиги ҳақида фикр уйғотадиган бу сатрларда оддийгина ҳақиқат жуда чиройли бадиий либосга бурканган: кундуз тунни кузатмай туриб, тонгнинг жамолига мушарраф бўла олмайди.

**Китобхон** \_\_\_\_\_. Мумкинми, шу ерда бир савол берсам? Мақсуд Шайхзоданинг тасвирлаш маҳорати ҳам жуда юкори бўлган. Шу ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

**Адиб** \_\_\_\_\_. Шайхзоданинг тасвирлаш маҳорати унинг шеърларидаги

“Ҳавони қайчилаб қаноти билан,  
Хўрозлар кичкирди дарахт шоҳида”

сингари жуда ҳаётий ва эсда қоладиган образлар тасвири мисолида кўриш мумкин. Шоир:

Уймаланган қатор ташбеҳлар Карвон эрур сарбон истайди  
Шитирлаган баргдан тўкилган қофиялар мени қистайди  
сингари сатрларда ҳам ўзининг кайфият уйғотиш, муносабат ҳосил қилиш борасидаги маҳоратини намойиш этади. Бу каби тасвирларда ижодкор шахснинг руҳий мувозанатдан чиқиши, илҳомий ҳолат тасвири жуда ишонарли ва ичкин кўрсатилган. Шоир муайян сезим, ҳолат, вазият ҳақида хабар бермайди, балки уни шеърхон кўз ўнгида намоён этади. Шоирнинг маҳорат пичоғи шу қадар чархланганки, баъзан бутун бошли шеър давомида фикру туйғулар мувофиқлигинигина эмас, балки товушлар мутаносиблигини, шеърнинг шеърлигини таъминлайдиган асосий унсур – оҳанг уйғунлигини ҳам ушлаб туришга эришади:



Кечалардан кўчага,  
Кўчалардан кечага кўчилар.  
Май ўрнига дудокдан,  
Бўса деган булоқдан ичилар.

Бу шеъринг парча Шайхзода поэзиясининг энг муҳим жихатларини ўзида акс эттирган. Эътиборларингиз учун раҳмат.

**Филология фанлари номзоди, олим \_\_\_\_\_.** Ҳаётга файласуфона қарайдиган, ундан салмоқдор бадий ва ҳаётини маъно чиқаришга моҳир Мақсуд Шайхзода шеърлар билан бирга бир қатор тўртликлар ҳам битган. Унинг тўртликлари ахлоқий-дидактик мавзуларда бўлиб, чиройли поэтик шаклга ҳам эгадир. Шоирнинг “Ғанимат саналур ҳар лаҳза, ҳар пайт” деб бошланадиган тўртлиги вақтнинг қадрига етиш, умрни мазмунли ўтказиш ҳақида. Шоир фикрини жуда чиройли шеъринг либосга сола билган:

Ғанимат саналур ҳар лаҳза, ҳар пайт,  
Айтганингни қилгин, қилгусингни айт.

Ўқувчилар мисралар бағридаги сеҳрдан, тўртликларнинг бадий латофатидан таъсирланадилар. Шайхзоданинг халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетган “Дўстлар яхшиларни авайлаб сақланг!” тўртлигида ҳар қандай одамга тириклигида яхшилик қилиш, ёрдам қўлини чўзиш кераклиги тасвирланади. Бу фикр шунчаки, яланғоч тарзда айтилганда, оддий насихатдан фарқ қилмаган бўларди ва табиийки, ўқувчиларни ўзига ром этолмасди. Гап шундаки, Шайхзода мазкур тўртликнинг ҳам мантиқ, ҳам шакл жихатини мукамал ишлашга эришган. Шеърнинг иккинчи мисраси шундай: “Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг!” Шоир бу ўринда фақат танишликни, сўрашишнигина кўзда тутмайди. У “Салом” деган сўзнинг араб тилидаги асл маъноси – тинчликка ҳам ишора қилмоқда.

Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан,  
Тирик эканида бир соат сақланг.

Яхшиларни авайлайлик, уларнинг тинчлигини, осойишталигини таъминлайлик. Азоблар гирдобига ташлаб қўйиб, ўлгач, унинг яхшилигини айтиб, кунлаб йиғлагандан кўра, кўмак бериш мумкин бўлган тирик вақтида умрини бир соат бўлса ҳам узайтирайлик. Шоир тўртгина мисрага жойлашган улкан маъно –

шу. Шеърятдаги гап шунчаки тўғри бўлгани учун эмас, балки ифода билан диққатга сазовор бўлгани учун қадрлидир.

**Бошловчи:** Ташаккур, домла. Шайхзода бадий, публицистик ва илмий асарлари, таржималари билан ўзига ўлмас ҳайкал ўрнатди. Бугунги давра суҳбатимизни устоз Азиз Қаюмовнинг сўзлари билан тугатмоқчиман: “Шайхзода каби илм ва ижодга ихлосманд, Шайхзода каби элу-юртга муҳаббат қўйган, Шайхзода каби покиза ва камтарин инсон бўлмоқ, ёш авлодни ана шундай мухтарам зотлар тимсолида тарбияламоқ устоз хотирасига чинакам эҳтиромимиз бўлажак”. Барчангизга раҳмат, хайр, саломат бўлинглар.

### **Замондошлар хотираси**

... Шайхзода шеърларининг шакли ранг-барангдир. У рубоий (фалсафий мазмундаги тўртлик), баллада, поэма ва лирик шеърлар шаклидан фойдаланади. Ўз фикрларини ифода этиш тарзи Маяковскийнинг тасвирий воситаларига ўхшаб кетади. У ҳам Маяковский сингари порлоқ ва кутилмаган образлар яратган.

Ойбек

Шайхзода фикрлар шоиридир. У сиёсий шеърлар яратадиган санъаткордир.

Ҳамид Олимжон

Дўстга содиқлик, инсонни ҳамиша иззат-хурмат қилиш, уни ўлганда эмас, тирик вақтида қадрлаш шоир асарларининг асосий йўналишигина бўлиб қолмай, Шайх аканинг ўзи ҳам бутун ҳаёти бўйи мана шунга амал қилган одам эди. Агарда Шайхзода ижоди ёки унинг қиёфасини яна ҳам қисқароқ қилиб айтиш керак бўлса, икки оғиз сўз билан Мақсуд Шайхзода бу – донолик, меҳрибонлик, табассум, деб баралла айтардим.

Шукрулло

Шайхзода шундай одамлар тоифасидан эдики, у билан бир марта ҳамсухбат бўлган одам унинг жозибасига мафтун бўлиб қоларди, у билан яна кўришгиси, сухбатларини эшитгиси, лоақал асарлари орқали унинг теран ўйларига, қайноқ ҳисларига шерик бўлгиси келарди. Шайхзода ўзида кўп фазилатларни мужассамлаштирган гўзал инсон эди. Унинг маънавий дунёси ғоят бой бўлиб, бу бойликни у сахийлик билан одамларга улашишга ҳамиша тайёр эди.

Озод Шарафиддинов

Ўзбек адабиётининг буюк намояндалари – Ғафур Ғулом ва Ойбек каби оташнафас санъаткорлар сафида ижод қилган Максуд Шайхзода зуваласи шеърят шуъласи билан ёрилган куйчи эди. Унинг асарларида буюк инқилобий идеаллар, жўшқин ватанпарварлик туйғулари, чинакам ижодий ҳиссиётлар билан яшаган ёниқ қалбнинг гулдурас акс садоси мужассам топган.

Мирзо Иброҳимов  
Озарбайжон халқ ёзувчиси

Шайхзода деганда менинг тасаввуримда жингалаклари ёзилиб кетмаган куюк сочли, ойнаги тагидан ўткир кўзлари чакнаб турган, киёфасида озарбайжон чехраси акс этган, тўлачадан келган, лабларидан табассум аримайдиган, озарбайжон, ўзбек, форс-тожик, рус, Ғарбий Европа маданий ва адабий меросини яхши ўзлаштирган зехнли, бағри кенг, хушфеъл бир шахс гавдаланади.

Ҳомил Ёкубов

Шайхзода бу дунёдан роҳат кўрмай ўтиб кетди. Лекин у барибир бахтли инсон эди. Уни эл шоирим дерди. Шайх акам, дерди. Ёшлар уни устозим дерди. Ёш шоирлар тўда-тўда бўлиб унга эргашиб юардилар.

У олим эди. У мухтожларга ёрдам қўлини чўзган сахий инсон эди. У ғамда қолганларга ғамгузор эди. У суҳбати жонон одам эди. У нолишни билмасди. Тақдир зарбаларига сабот

билин туриб берарди. Бир сўз билан айтганда у дилбар инсон эди.

Бир одамда шунча фазилат бўлиши мумкинлигини Шайхзода тимсолида кўрганман.

У олим шоир эди.

У шоир олим эди.

Бундай инсонлар дунёга камдан-кам келади.

Саид Аҳмад

**“Мақсуд Шайхзода – шоир, драматург, олим, устоз”  
номли билимдонлар беллашуви**

**Ўйин шарти**

Қатнашувчилар: олиб борувчи, 5 кишидан иборат 3 та гуруҳ, ҳакамлар ҳайъати, томошабинлар.

Ўйин “Уйга вазифа”, “Савол-жавоблар” ва “Сардорлар беллашуви”дан ташкил топади. Гуруҳлар ўзларига ном топиб, сардорларини белгилашади.

Ўйиннинг “Уйга вазифа” шартида гуруҳларга олдиндан ташкилотчилар томонидан Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб “Тошкентнома” достони, “Жалолиддин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” драмаларидан фойдаланиб, сахна кўринишлари билан чиқиш тавсия этилади. Беллашув ўтказиладиган санагача гуруҳлар бу шартга тайёр бўлишлари керак. Сахна кўринишининг вақти 15 дақиқа оралиғида чегараланган бўлади. Ҳакамлар ушбу шартни 10 баллгача баҳолашлари мумкин.

Ўйиннинг “Савол-жавоблар” шартида эса гуруҳлар ўзаро саволлар билан алмашишади. Бир гуруҳ қолган икки гуруҳга савол беради ва уларнинг жавоб вариантларини эшитгандан сўнг ўзларининг жавобларини айтишади. Ҳар бир гуруҳ бештадан савол бериш ҳуқуқига эга. Гуруҳларга жавобларини бериш учун икки дақиқа вақт берилади. Тўлиқ, батафсил ёритиб берилган жавоблар учун гуруҳлар 8 баллгача баҳолашишлари мумкин. Жавоб беролмаган гуруҳ баҳоланмайди.

“Сардорлар беллашуви”да эса учта гуруҳ сардори ўзаро беллашади. Биринчи гуруҳ сардори Мақсуд Шайхзоданинг 1950-1960 йилларда яратилган шеърларидан парча ўқийди ва давом эттиришни сўрайди. Жавоб берган сардор 5 баллгача баҳоланади. Шу тарзда сардорлар бир-бирлари билан шеърхонлик қилишади. Ҳар бир сардор 5 тагача шеърдан парча ўқиши мумкин. Шеърлар такрорланмаслиги шарт.

Ўйиннинг охирида ҳакамлар балларни ҳисоблаб, ғолиб бўлган гуруҳни эълон қилади ва ташкилотчилар томонидан тайёрланган совғаларни гуруҳ аъзоларига топширадилар.

### **Савол-жавоблар шарида фойдаланиш учун тахминий саволлар**

1. Мақсуд Шайхзоданинг ўзбек тилидаги биринчи шеърини биласизми?

(1929 йили “Шарқ ҳақиқати” газетасида шоирнинг “Трактор” шеъри босилган).

2. Мақсуд Шайхзода Президентимиз И.Каримов томонидан қандай давлат мукофоти билан тақдирланган?

(“Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида”ги Президентимиз Фармонида биноан атоқли адибимиз Мақсуд Шайхзода “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган).

3. Қуйидаги Мақсуд Шайхзодага бағишланган шеърнинг муаллифи ким?

Қўл берай десам сенга, дўстим, сўзимдин кулмагин,  
Қўл берур ҳар кимса топса сан каби озода Шайх.  
Шул қувончликим, кадрдон, ҳамқалам, дўстим менинг,  
Оқкўнгил, фикри равон, ширин забону содда Шайх.  
Шайх деганда, сиз бунинг ҳайрони бўлманг, ёшлар,  
Ҳаммага манзуру машхур дўстимиз Шайхзода-Шайх.

(Собир Абдулла)

4. Шайхзода таржима қилган асарларни биласизми?

(Ш.Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” эпоси, Шекспирнинг сонетлари, А.С.Пушкиннинг шеърлари,

“Мис чавандоз” достони, “Моцарт ва Сальери” трагедияси, М.Ю.Лермонтовнинг шеърлари ва “Кавказ асираси” достонларини, Низомий, Фузулий, Мирза Охундов, Эсхил, Гёте, Байрон, Нозим Ҳикмат ва бошқа кўплаб ёзувчилар асарларини ўзбек тилига таржима қилган).

5. Мақсуд Шайхзоданинг “Тошкентнома” достонидан ташқари яна қайси достонларини биласиз?

(“Ўртоқ мулк”, “Чироғ”, “Мерос”, “Ўртоқ”, “Тупроқ ва ҳақ”, “Овчи қиссаси”, “Искандар Зулқарнайн”, “Ўн бирлар”, “Женя”, “Оқсоқол”, “Аҳмаджоннинг ҳикматлари”, “Учинчи ўғил”, “Нурмат отанинг туши” каби достонларни ёзган).

6. Шайхзоданинг қайси асари саҳналаштирилган?

(“Жалолиддин Мангуберди” драмаси, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат драма театрида саҳналаштирилган, шунингдек Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси асосида муаллифнинг сценарийси Латиф Файзиев томонидан яратилган “Улуғбек юлдузи” филмига асос бўлган).

7. “Ҳайр!” демай кетганинг не деганинг у?

“Тез қайтурман бемухлат!” деганингми у?

“Ўлим асли ўткинчи бир ҳодиса-ю,

Ҳаёт мангу бир ҳолат!” деганингми у?

Қандай сени қидирай, адресинг қаер?

Кимдан сени сўрайин? Одамлар не дер?

Шайхзода қаламига мансуб шеърдан парча кимга аталиб ёзилган?

(Бу Шайхзоданинг “Ғафурга хат” шеърдан парча бўлиб, у улуғ шоир Ғафур Ғулом вафоти муносабати билан ёзилган).

8. Мақсуд Шайхзода ҳақида ёзилган адабиётларни санаб беринг?

(М.Зокировнинг “Мақсуд Шайхзода” адабий-танқидий очерки, Юсуф Шомансурнинг “Шайхзода – бунёдкор шоир”, И.Ғофуровнинг “Ўртоқ шоир. Мақсуд Шайхзода ижодиёти”, “Мақсуд Шайхзода замондошлари хотирасида”, “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” каби китоблар ва бошқалар).

9. “Қийналган ёш шоирлар домладан баъзи-баъзида пул қарз сўрардилар. Уларнинг ҳали-бери қарзини узишга кўзи етмаган домла, майли...майли, Нобель мукофотини олганда қарз узишни

унутмасанглар бўлгани, деб ўша заҳотиёқ қарзни кечиб юборарди”. Шайхзода ҳақидаги бу хотиралар кимнинг қаламига мансуб ва қайси асарда берилган?

(Бу хотиралар Саид Аҳмад қаламига мансуб бўлиб, унинг “Йўқотганларим ва топганларим”: Хотиралар, адабий ўйлар китобида берилган).

### **Мақсуд Шайхзода бир куни...**

Урушдан кейинги қийинчилик йиллари ҳозирги Сайилгоҳ кўчасининг хиёбонига яқин жойида бир гадоё ўтирарди, Ҳазрат Шайхзода домла хиёбоннинг нариги томонидаги Ёзувчилар уюшмасига борадиган бўлса, шу бечорага уч-тўрт сўм берай деб, атайин кўчанинг ўша гадоё ўтирган томонидан юрарди. Бу одат бўлиб кетиб, гадоё ҳам шунга ўрганиб қолган экан.

Бир куни домла ўша жойга яқин қолганда чўнтакка қўл солса, пул йўқ - костюмини алмаштирганида пул аввалги кийимида қолибди. Сир бой бермай “Салом” деб ўта бошлабди. “Эй, биродар”, деб қолибди шунда гадоё. Домла мақсадга тушуниб: “Пулим йўқ” деса, “Ишлаш керак!”, дебди гадоё.

\* \* \*

Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги ижод уйи-боғида дам олаётган Мақсуд Шайхзода бир кун таомга қовурилган товук гўшти тортилганини кўриб, чехраси ёришиб, ёнидаги ҳамдастурхонларига: - Товукни еганлар раҳматини бизга айтишсин,-дебди.

Бу гапнинг маъносини баъзилар тушунибди, баъзилар тушунмай ҳайрон бўлишибди. Гапнинг тагида гап бор эди. Бундан бир неча кун бурун эрталабки нонуштага уст-устига тухум берганларида, Шайх ака тухумни егиси келмай, ўтирган ерида ўчоқ бошидаги хизматчи аёлларга қарата: - Ахир бунинг мамашасидан ҳам бўладими?-деган экан.

- Мамашаси ҳам бўлиб қолади, лекин ҳозир товуклар жўжа очишяпти,-деб аёллар ҳазилга ҳазил билан жавоб беришибди.

\* \* \*

Шайхзода ҳазилни, шоирона ташбеҳларни яхши кўрарди. Бир куни телефон жириглаб қолди. Мен унинг салмоқдор овозини тингладим:

- Биласанми, мен қаердан гапиряпман?

- Биламан, Тошкентнинг 9 январь кўчасидан, 18 уйнинг 4 қаватидан.

- Й-ў-ўқ, яна билмадинг. Мен Мовароуннаҳрдан гапиряпман.

- Наҳотки!

- Ҳа, тушунмадинг-а! Уч дарё ўртасидаги уй, десак Мовароуннаҳрдан-да, ха, ха, ха...- Жарангдор кулгудан сўнг Мовароуннаҳрга тушундим. Биз яшаб турган уй уч анҳор ўртасига жойлашганидан домла ўзларича шундай ташбеҳ қилган эдилар.

(Эътибор Охунова)

Газета-журналлар чиқарадиган босмаҳонамизнинг олд томонидаги йўлакда матбаа маҳсулотлари сотадиган дўконча бўларди. Бир куни эрталаб шу ердан ўтиб кетаётганимда Шайхзода домлани кўриб қолдим. Ёмғир яхшигина савалаб турарди. Домла дўкончанинг ён томонида, ёмғирни писанд қилмай, газетани кенг очиб ниманидир ўқирди. Яқин бориб, салом бердим. Алик олиб: - Йўл бўлсин! Жаббор ўғли қаёққа кетаётибдилар?-деди. Саволга жавоб ўрнига мен: - Юринг, панароқ жойга ўтайлик, ёмғир кучаяётибди, - дедим. Босмаҳонага кирадиган дарвозанинг соябони тагига ўтирдик. Билсам, домла боя ўзининг шу бугунги газетада босилган шеърларини ўқиётган экан.

- Ёмғирда ўқиш шартмиди? – десам, у киши:

- Биронта шеърни ёзиб тугатсангиз, худди янги фарзанд кўргандек бўласиз. Шу шеърингиз газетадами, журналдами босилиб чикқанда уни ўқисангиз, худди ўша фарзандингиз бошини силагандек ҳузур қиласиз, - дедилар-да, кейин:-Бундай ҳузурни ҳеч ким, ҳатто ёмғир ҳам буза олмайди, - деб қўшиб қўйдилар.

(Эркин Жабборов)



## Адабиётлар

Мақсуд Шайхзода. Ҳаёти ва ижоди: Мактаб кўргазмаси ва болалар кутубхонаси учун суратли қўлланма: (Альбом) /Тузувчи М.Зокиров.-Т.: Ўқитувчи, 1994.-24 б.

Шайхзода Мақсуд. Мақсуд Шайхзода замондошлари хотирасида [Тўпловчилар: М.Зокирова ва Отаёр] .-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.-199 б.

Абдуллаев А. Камтар ва олий жаноб эди: (ўзбек адиби, адабиётшунос Мақсуд Шайхзодани хотирлаб //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1999.-7 май.

Азизов О. Умрлар бўладики: [Шоир, ёзувчи, драматург Мақсуд Шайхзода ҳаётидан лавҳалар] //Жаҳон адабиёти.-2001.-№1.-Б.172-173.

Аҳмедов Ш. Ёзувчиларнинг мактублари ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти.-2006.-№2.-Б.9-14.

Аҳмедов Ш. Шоирнинг икки тақризи: [Мақсуд Шайхзоданинг адабий-танқидий қарашларига бир назар] //Ўзбек тили ва адабиёти.-2002.-№1.-Б.38-40.

Жабборов Э. Ишлаш керак: [Машҳур шоир Мақсуд Шайхзоданинг хотиралари ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2001.-7 сент.

Зокиров М. Ҳамиша ёдланадиган шоир //Ўзбекистон овози.-1993.-8 янв.

Йўлдошев Қ. “Йилларнинг саломин йилларга элтиб”: [Шоир Мақсуд Шайхзоданинг ижоди ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1998.-16 окт.

Каримов Н. Эзгулик манзилларида: [Мақсуд Шайхзоданинг ижоди ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1998.-17 июль.

Мамажонов С. “...Курашмоқ керак буюк ғояга эрмак учун” [Драматург, йирик шоир Мақсуд Шайхзода ҳақида] //Халқ сўзи.-1998.-25 дек.

Маҳмудов О. Умрлар бўладики...: [Шоир Мақсуд Шайхзода ҳақидаги хотира] //Соғлом авлод.-2002.-29 авг.-Б.3.

Норматов У. Аллома ҳақида қатра хотиралар: [Мақсуд Шайхзода таваллудининг 90 йиллигига] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1998.-6 нояб.

Норматов У. Мақсуд Шайхзода ҳақида қатра хотиралар: [Ҳаёти ва ижоди хусусида] //Солиқ тўловчининг журнали.-2004.-№9.-Б.60-62.

Охунова Э. Юрак: Унутмас мени боғим //Шарқ юлдузи.-2002.-№4.-Б.130-133.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 10 апрель  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> наshr. т. 1,5 Адади 300 нусха.  
Буюртма № 31

---

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди